


## Эшитиш ва гапириш имконияти чекланганлар ўртасида «Асмоул-ҳусно» танлов мусобақаси ўтказилди




18:00 / 24.03.2021 2531

Бугун 2021 йил 24 март куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасининг анжуманлар залида Аллоҳнинг гўзал исмлари «Асмоул-ҳусно» бўйича мусобақа танлови ўтказилди. Ушбу мусобақа эшитиш ва гапириш имконияти чекланганлар орасида эркак ва аёллар ўртасида бўлиб, танлов Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ва вақф хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилди.

Image not found or type unknown



Тадбирга Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов, вақф хайрия жамоат фонди раҳбари Яҳё домла Абдурахмонов, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Хайруллоҳ хожи Ақромов ва Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси ходимаси Мунира Абубакирова, Тошкент шаҳар ҳокимияти вакиласи Дилбар Аҳмедова, Тошкент шаҳар бош отинойиси Зулайҳо Соатовалар ташриф буюришди.



Анжуман анъанага мувофиқ, Қуръони Карим тиловати билан бошланди ва дуолар қилинди. Сўнгра, аввал эркаклар ўртасида, кейин аёл-қизлар ўртасида саралаш мусобақаси бошланди. Мусобақани жамоатчилик вакилларидадан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Эркаклар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада 3 ўрин соҳиби **Ўткирбек Каримов**га насиб этди.

2 ўрин совриндори **Мирзоҳид Комилов** бўлди.

Биринчи, энг олий ўринни эса **Носиржон Комилов** эгаллади.


Аёл-қизлар ўртасида эса 3 ўрин соҳибаси **Дилдора Тоирова** бўлди.

2 ўринни **Наргиза Шерматова** эгаллади.

Олий, биринчи ўрин ғолибаси **Раъно Унбаева**га насиб этди.


Барча ғолиб ва совриндорларга, шунингдек, иштирокчиларга вақф хайрия жамоат фонди томонидан эсдалик совғалар ва қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

Image not found or type unknown



Аллоҳ таоло томонидан берилган неъматларнинг аслари сон саноксиздир. Уларнинг энг аввалгиси Аллоҳ таолога ва унинг ҳузуридан келган нарсаларга иймон келтириш ҳамда У зот буюрган ва вожиб қилган нарсаларда иймон тақозосига кўра амал қилишдир.

Image not found or type unknown



Шунингдек саломатлик ва офиятлик неъматларнинг аслларидан бўлиб, кулоқ, кўз, тил, қалб, ва барча аъзолар саломатлиги ҳам шулар жумласидандир. Ушбулар инсон ҳаракатининг меҳвари ва ўз вужудидан истифода қилиш тиргагидир. Саломатлик чоғимизда, куч-қувватимиз борлигида яхши амаллар қилишда мусобақалашайлик! Зеро, сизу бизга берилган саломатлик неъматини қадрига етайлик ва тавбага шошилайлик!

***Хуршид Маъруф тайёрлади***